

FARG'ONA SUV TA'MINOTI
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
*
FARG'ONA
SHAHAR BO'LIMI
№ 380
2021-yil 26-october
150100, Oq yo'l ko'chasi 102-shu

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Фарғона шахар Дўстлик МФЙ худудида яшовчи 2100 нафар ахолини тоза ичимлик суви тармоқларини янгилаш мақсадида қуидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

И ч им ли к сув б ў и ч а

Фарғона шахар Дўстлик МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи 420 м³ хисобланиб, уланиш нуқтаси 1. Дўстлик МФЙ Мотрудий кўчаси худудидаги мавжуд Д-300 ммли материали-полиэтилен бўлган атмосфера босими 0.6 АТМ қувурдан лойиха ва гидравлик хисоб китобларга асосан А.Навоий ва Мотрудий кўчаларига узунлиги 2,0 км бўлган ичимлик сув тармоғини янгилаш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равища амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқишида тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Фарғона шахар бўлими раҳбари:

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:

С.Абдуллаев

И.Хасанов